

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ
ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ХУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ГАЗДАН
ФОЙДАЛАНИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ

387 Газни ҳисобга олиш приборларини текширувдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2604*

Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 2-сон, 48-модда) мувофиқ Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси **қарор қилади:**

1. Газни ҳисобга олиш приборларини текширувдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлигининг бош директори**

А. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 7 июль,
к-3-сон

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Ўзбекистон нефть маҳсулотлари
ва газдан фойдаланишни назорат
қилиш давлат инспекцияси
бошлиғининг ўринбосари**

Н. МАХМУДОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 7 июль,
к-1-сон

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология
ва сертификатлаштириш агентлиги ҳамда
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳка-
маси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулот-
лари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш
давлат инспекциясининг 2014 йил 7 июлдаги
к-3 ва к-1-сонли қарорига
ИЛОВА

**Газни ҳисобга олиш приборларини текширувдан
ўтказиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»-
ги Қонунига асосан, юридик ва жисмоний шахсларнинг (бундан буён матн-
да истеъмолчилар деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Ўлчов восита-
лари давлат реестрига киритилган газни ҳисобга олиш приборларини тек-
ширувдан ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Ўлчов воситалари давлат реестрига кири-
тилган газни ҳисобга олиш приборлари давлат метрология текширувидан
ўтказилади.

2. Истеъмолчилар томонидан фойдаланилаётган газни ҳисобга олиш
приборлари:

даврий текширувдан — газни ҳисобга олиш приборларини текширув-
дан ўтказишнинг амал қилиш муддати тугаганда;

навбатдан ташқари текширувдан — газни ҳисобга олиш приборларининг
текширувдан ўтказилганлигини тасдиқловчи пломбаси шикастланганда ёки
қайта созлаш ишларини ўтказиш зарурати вужудга келганда;

эксперт текширувидан — газни ҳисобга олиш приборларининг созлиги
ёки уларнинг қўллашга яроқлилиги, метрологик тавсифлари бўйича муноза-
рали саволлар туғилганда ўтказилади.

3. Газни ҳисобга олиш приборлари қуйидаги ораликда даврий текширувдан ўтказилади:

жисмоний шахслар — 4 йилда 1 марта;

юрдик шахслар — 2 йилда 1 марта.

Фойдаланилмаган газни ҳисобга олиш приборларининг даврий текширувдан ўтказиш муддатлари ўтиб кетган тақдирда, улардан белгиланган тартибда текширувдан ўтказилгандан сўнг фойдаланиш мумкин.

4. Газни ҳисобга олиш приборларини текширувдан ўтказиш давлат метрология хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

2-боб. Газни ҳисобга олиш приборларини текширувдан ўтказиш учун ечиб олиш

5. Тегишли ҳудуддаги газ таъминоти корхонаси газни ҳисобга олиш приборини даврий текширувдан ўтказишнинг амал қилиш муддати тугашидан ўттиз кун олдин истеъмолчини газни ҳисобга олиш приборини даврий текширувдан ўтказиш зарурлиги ҳақида ёзма равишда огоҳлантиради. Тегишли ҳудуддаги газ таъминоти корхонаси раҳбари газни ҳисобга олиш приборини даврий текширувдан ўтказиш зарурлиги ҳақида истеъмолчиларнинг ўз вақтида огоҳлантирилиши учун масъулдир.

6. Истеъмолчи газни ҳисобга олиш приборини текширувдан ўтказиш учун уни ечишни сўраб тегишли ҳудуддаги газ таъминоти корхонасига ариза билан мурожаат қилади.

7. Газни ҳисобга олиш приборини эксперт текширувдан ўтказиш учун суриштирув, тергов, прокуратура органлари ёхуд суднинг қарори ёки ажримига асосан ечиб олиниши мумкин.

8. Газни ҳисобга олиш приборларини текширувдан ўтказиш учун ечиб олиш тегишли ҳудуддаги газ таъминоти корхонасининг мутахассислари томонидан амалга оширилади.

9. Тегишли ҳудуддаги газ таъминоти корхонасининг мутахассиси ариза берилгандан сўнг, беш иш куни ичида газни ҳисобга олиш приборини текширувдан ўтказиш учун истеъмолчи иштирокида ечиб олади.

10. Газни ҳисобга олиш приборини ечиб олиш вақтида тегишли ҳудуддаги газ таъминоти корхонасининг мутахассиси истеъмолчи иштирокида газни ҳисобга олиш приборининг ўрнатилган пломбалари бутлигини текширади.

11. Газни ҳисобга олиш приборининг ўрнатилган пломбалари бут бўлган тақдирда, газни ҳисобга олиш прибори ечиб олинади ва икки нусхада мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда газни ҳисобга олиш приборининг ечиб олинганлиги тўғрисида далолатнома тузилади. Мазкур далолатноманинг бир нусхаси газни ҳисобга олиш прибори билан бирга истеъмолчига берилади.

12. Газни ҳисобга олиш прибори текширувдан ўтказиш учун ечиб олингандан сўнг, тегишли ҳудуддаги газ таъминоти корхонасининг мутахассиси

истеъмолчининг хоҳишига кўра уни газ тармоғига газни ҳисобга олиш приборисиз улайди ёки вақтинча тармоқдан узиб қўяди. Истеъмолчининг газ тармоғига уланганлиги ёки уланмаганлиги газни ҳисобга олиш приборининг ечиб олинганлиги тўғрисидаги далолатномада кўрсатилади.

13. Истеъмолчи газни ҳисобга олиш приборисиз газ тармоғига уланган тақдирда, фойдаланилган газ учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда тўлов амалга оширилади.

3-боб. Газни ҳисобга олиш приборини текширувдан ўтказиш учун топшириш

14. Истеъмолчи газни ҳисобга олиш приборини ва газни ҳисобга олиш приборининг ечиб олинганлиги тўғрисидаги далолатнома нусхасини текширувдан ўтказиш учун давлат метрология хизмати органига топширади.

Давлат метрология хизмати органи масъул ходими газни ҳисобга олиш прибори топширилганлигини тегишли журналга қайд қилиши лозим.

15. Газни ҳисобга олиш приборидаги текширувдан ўтказиш учун зарур бўлган маълумотларни (ишлаб чиқарувчининг товар белгиси, типи, маркаси, рақами ва газни ҳисобга олиш приборининг кўрсаткичи) кўриш имкони бўлмаган тақдирда, давлат метрология хизмати органи газни ҳисобга олиш приборини текширувдан ўтказиш учун қабул қилишни рад этади.

16. Газни ҳисобга олиш прибори текширувдан ўтказиш учун қабул қилинганда, манфаатдор шахс ва давлат метрология хизмати органи ўртасида шартнома тузилади.

4-боб. Газни ҳисобга олиш приборини текширувдан ўтказиш ва таъмирлаш

17. Газни ҳисобга олиш прибори давлат метрология хизмати органи томонидан уч кун ичида текширувдан ўтказилади.

18. Газни ҳисобга олиш приборини эксперт текширувидан ўтказишда манфаатдор шахслар ёки уларнинг вакиллари иштирок этишлари мумкин.

19. Газни ҳисобга олиш приборини текширувдан ўтказиш натижаси ижобий бўлган тақдирда, газни ҳисобга олиш прибори фойдаланишга яроқли деб топилади ва давлат метрология хизмати органи томонидан истеъмолчига газни ҳисобга олиш приборининг текширувдан ўтказилганлиги ҳақида сертификат берилади.

20. Газни ҳисобга олиш прибори унинг ҳисоблаш механизми ва созлаш элементига ўзгартириш киритишнинг олдини олиш мақсадида давлат метрология хизмати органи томонидан пломбаланади.

21. Газни ҳисобга олиш приборини текширувдан ўтказиш натижаси салбий бўлган тақдирда, газни ҳисобга олиш прибори фойдаланишга яроқсиз деб топилади ва шу куннинг ўзида бу ҳақда давлат метрология хизмати органи масъул ходими томонидан истеъмолчига хабар берилади.

22. Газни ҳисобга олиш прибори яроқсиз деб топилган тақдирда, истеъмолчи уни таъмирлаш учун Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан аккредитация қилинган ташкилотларга (бундан буён матнда таъмирлаш ташкилотлари деб юритилади) топшириши ёки Ўзбекистон Республикаси Ўлчов воситалари давлат реестрига киритилган ва текширувдан ўтказилган бошқа газни ҳисобга олиш приборидан фойдаланиши мумкин.

23. Газни ҳисобга олиш приборини таъмирлаш ташкилоти томонидан техник текширишдан ўтказиш натижалари бўйича икки нусхада далолатнома тузилади ва унинг бир нусхаси истеъмолчига берилади.

24. Давлат метрология хизмати органининг масъул ходими таъмирланган газни ҳисобга олиш приборларини таъмирлаш ташкилотининг ўзида текширувдан ўтказиш ускунасидан фойдаланган ҳолда текширувдан ўтказиши мумкин.

25. Газни ҳисобга олиш приборини текширувдан ўтказишнинг натижаси ижобий бўлган тақдирда, шу куннинг ўзида давлат метрология хизмати органининг масъул ходими газни ҳисобга олиш приборининг текширувдан ўтказилганлиги ҳақида сертификат расмийлаштириб, газни ҳисобга олиш приборини пломбалайди.

5-боб. Текширувдан ўтказилган газни ҳисобга олиш приборини ўрнатиш

26. Истеъмолчи текширувдан ўтказилган газни ҳисобга олиш приборини ўрнатиш учун тегишли ҳудуддаги газ таъминоти корхонасига ариза билан мурожаат қилади.

27. Тегишли ҳудуддаги газ таъминоти корхонаси ариза қабул қилингандан сўнг икки кун ичида газни ҳисобга олиш приборини ўрнатиб бериши лозим. Тегишли ҳудуддаги газ таъминоти корхонасининг мутахассиси газни ҳисобга олиш приборини ўрнатишдан олдин унинг текширувдан ўтказилганлиги ҳақидаги сертификатнинг мавжудлиги ва пломбаларининг бутлигини текширади.

Истеъмолчи тегишли ҳудуддаги газ таъминоти корхонасининг мутахассисига газни ҳисобга олиш приборининг текширувдан ўтказилганлиги ҳақидаги сертификат нусхасини тақдим қилиши лозим.

28. Тегишли ҳудуддаги газ таъминоти корхонаси мутахассиси газни ҳисобга олиш приборини ўрнатгандан сўнг, истеъмолчини газ тармоғига улаш штуцерларини пломбалайди ва икки нусхада мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда далолатнома тузади ҳамда далолатноманинг бир нусхасини истеъмолчига беради.

29. Газни ҳисобга олиш прибори ўрнатилгандан сўнг, газни ҳисобга олиш прибори рўйхатга олинади ва фойдаланилган газ газни ҳисобга олиш приборининг кўрсаткичига мувофиқ ҳисобланади.

6-боб. Якуний қоидалар

30. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

31. Газни ҳисобга олиш приборини текширувдан ўтказиш натижаларидан норози бўлган шахслар белгиланган тартибда юқори турувчи орган ёки судга мурожаат қилиши мумкин.

32. Мазкур Низом «Ўзбекнефтгаз» МХК, «Ўзтрансгаз» АК ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

«Ўзбекнефтгаз» МХК раиси

Ш. ФАЙЗУЛЛАЕВ

2014 йил 3 июль

«Ўзтрансгаз» АК

Бошқарув раиси

Ш. МАХМУДОВ

2014 йил 3 июль

Савдо-саноат

палатаси раиси

А. ШАЙХОВ

2014 йил 3 июль

Газни ҳисобга олиш приборларини
текширувдан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Газни ҳисобга олиш приборининг
ечиб олинганлиги тўғрисида
ДАЛОЛАТНОМА**

Истеъмолчи рақами _____

_____ 201_ йил «____» _____
(истеъмолчи Ф.И.О.)

Мен, _____ вакили
(газ таъминоти қорхонаси филиали ва бўлимининг номи)

_____ (вакил Ф.И.О.)

истеъмолчи _____ иштирокида
«____» _____ 201_ йилда истеъмолчига тегишли бўлган _____
_____ газни ҳисобга олиш приборининг
(газни ҳисобга олиш приборини тури, номи, ишлаб чиқариш жойи, рақами)

ечиб олинганлиги ва текширувдан ўтказиш учун истеъмолчининг қўлига
берилганлиги ҳақидаги мазкур далолатномани туздим.
Газни ҳисобга олиш приборини кўрсаткичи _____ м³ ни ташкил қилади.
Газни ҳисобга олиш прибори кўрикдан ўтказилганда _____
_____ аниқланди.
Газни ҳисобга олиш приборидан _____-сонли пломбалар ечиб олинди.
Истеъмолчи газни ҳисобга олиш приборини текширувдан ўтказиш учун
мазкур далолатноманинг бир нусхаси билан бирга топшириши керак.

Истеъмолчи газни ҳисобга олиш приборисиз тармоққа _____ди.
(уланди ёки уланмади)

Газ таъминоти қорхонасининг
масъул ходими: _____
(имзо) (Ф.И.О.)

Далолатнома билан танишдим: _____
(истеъмолчининг имзоси) (истеъмолчининг Ф.И.О.)

Газни ҳисобга олиш приборларини
текширувдан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Газни ҳисобга олиш приборини ўрнатиш ҳақида
ДАЛОЛАТНОМА**

_____ 201_ йил «____» _____
(истеъмолчи манзили)

Мен, _____ масъул ходим
(газ таъминоти корхонаси филиали ва бўлимининг номи)

(Ф.И.О.)
истеъмолчи _____ билан
(истеъмолчи Ф.И.О.)

истеъмолчига тегишли бўлган _____
(газни ҳисобга олиш приборини тури, номи, ишлаб чиқариш жойи, рақами)

газни ҳисобга олиш приборининг газ тармоғига ўрнатилганлиги ҳақидаги
мазкур далолатномани туздим.

Газни ҳисобга олиш прибори техник текширишдан ўтказилганда _____
_____ аниқланди.

Газ тармоғига ва газни ҳисобга олиш приборига _____ рақамли плом-
балар ўрнатилди.

Газ таъминоти корхонасининг
масъул ходими: _____
(имзо) (Ф.И.О.)

Далолатнома билан танишдим: _____
(истеъмолчининг имзоси) (истеъмолчининг Ф.И.О.)